

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



**2021 йил 11-сон**



**Бош муҳаррир:** Наманган давлат университети ректори С.Т.Тургунов

**Масъул муҳаррир:** Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор М.Р.Қодирхонов

**Масъул муҳаррир ўринбосари:** Илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиги Р.Жалалов

### **ТАҲРИРҲАЙЪАТИ**

**Физика-математика фанлари:** акад. С.Зайнобиддинов, акад. А.Аъзамов, ф-м.ф.д., доц. М.Тўхтасинов, ф-м.ф.д., проф. Б.Саматов, ф-м.ф.д., доц. Р.Хакимов, ф-м.ф.д. М.Рахматуллаев.

**Кимё фанлари:** акад.С.Рашидова, акад. А.Тўраев, акад. С.Нигматов, к.ф.д., проф.Ш.Абдуллаев, к.ф.д., проф. Т.Азизов.

**Биология фанлари:** акад. К.Тожибаев, акад. Р.Собиров, б.ф.д. доц.А.Баташов, б.ф.н.

**Техника фанлари:** - т.ф.д., проф. А.Умаров, т.ф.д., проф. С.Юнусов.

**Қишлоқ хўжалиги фанлари:** – г.ф.д., доц. Б.Камалов, қ-х.ф.н., доц. А.Қазақов.

**Тарих фанлари:** – акад. А.Асқаров, с.ф.д., проф. Т.Файзуллаев, тар.ф.д, проф. А.Расулов, тар.ф.д., проф. У.Абдуллаев.

**Иқтисодиёт фанлари:** – и.ф.д., проф.Н.Махмудов, и.ф.д., проф.О.Одилов.

**Фалсафа фанлари:** –ф.ф.д., проф. М.Исмоилов, ф.ф.н., О.Маматов, PhD Р.Замилова.

**Филология фанлари:** – акад. Н.Каримов, фил.ф.д., проф.С.Аширбоев, фил.ф.д., проф. Н.Улуқов, фил.ф.д., проф. Ҳ.Усманова. фил.ф.д.,проф. Б.Тухлиев, фил.ф.н, доц.М. Сулаймонов.

**География фанлари:** - г.ф.д., доц. Б.Камалов, г.ф.д., проф.А.Нигматов.

**Педагогика фанлари:** - п.ф.д., проф. У.Иноятгов, п.ф.д., проф. Б.Ходжаев, п.ф.д., п.ф.д., проф. Н.Эркабоева, п.ф.д., проф.Ш.Хонкелдиев, PhD П.Лутфуллаев.

**Тиббиёт фанлари:** – б.ф.д. Ғ.Абдуллаев, тиб.ф.н., доц. С.Болтабоев.

**Психология фанлари** – п.ф.д.,проф З.Нишанова, п.ф.н., доц. М.Махсудова

**Техник муҳаррир:** *Н.Юсунов*

**Таҳририят манзили:** Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй.

**Тел:** (0369)227-01-44, 227-06-12 **Факс:** (0369)227-07-61 **e-mail:** [ilmiy@inbox.uz](mailto:ilmiy@inbox.uz)

Ушбу журнал 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан физика-математика, кимё, биология, фалсафа, филология ва педагогика фанлари бўйича Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиши тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатида киритилган.

“НамДУ илмий ахборотномаси–Научный вестник НамГУ” журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 17.05.2016 йилдаги 08-0075 рақамли гувоҳномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА) томонидан 2020 йил 29 август куни 1106-сонли гувоҳнома га биноан чоп этилади. “НамДУ Илмий Ахборотномаси” электрон нашр сифатида ҳалқаро стандарт туркум рақами (ISSN-2181-1458)га эга НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 10.11.2021 йилдаги кенгайтирилган йигилишида муҳокама қилиниб, илмий тўплам сифатида чоп этишига рухсат этилган (**Баённома № 11**). Мақолаларнинг илмий савияси ва келтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.



## ПЕДАГОГИК ҚАДРИЯТЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ

Назаров Анваржон Турғунбоевич,  
Наманган давлат университети  
Жисмоний маданият кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация:** мақолада олий ўқув юрти талабаларини касбий ва шахсий ривожланиши, жисмоний тарбияни ривожлантириши даражасига боғлиқлиги, "Қадрият" тушунчаси, ахлоқий, интеллектуал, ақлий, эстетик, коммуникатив ва бошқа ижтимоий-маданий салоҳиятини ривожлантиришининг муҳимлиги асосланган

**Калит сўзлар:** касбий ва шахсий ривожланиш, жисмоний тарбия даражасига боғлиқлик, "қадрият" тушунчаси, ахлоқий, интеллектуал, эстетик, ижтимоий-маданий компетентликни ривожлантириши.

Педагогические ценности и их классификация  
Назаров Анваржон Турғунбоевич  
Наманганский государственный университет  
Преподаватель кафедры физической культуры

**Аннотация:** в статье рассматривается уровень профессионально-личностного развития студентов высшей школы, уровень развития физического воспитания, понятие «ценность», развитие нравственного, интеллектуального, интеллектуального, эстетического, коммуникативного и других социально-культурных ценностей. культурные компетенции.

**Ключевые слова:** профессионально-личностное развитие, зависимость от уровня физического воспитания, понятие «ценность», развитие нравственной, интеллектуальной, эстетической, социокультурной компетентности.

Pedagogical values and their classification  
Nazarov Anvarjon Turgunbaevich  
Namangan State University  
Teacher of the Department of Physical Culture

**Annotation:** the article deals with the level of professional and personal development of students of higher education, the level of development of physical education, the concept of "value", the development of moral, intellectual, intellectual, aesthetic, communicative and other socio-cultural competencies. Keywords: professional and personal development, dependence on the level of physical education, the concept of "value", the development of moral, intellectual, aesthetic, socio-cultural competence.

Қадриятларни Ғарб мамлакатларида "Аксиология" фани ўрганади. Қадриятлар дейилганда инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган, миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадлари йўлида хизмат қилишдаги эркинлик, ижтимоий адолат, тенглик, ҳақиқат, маърифат, гўзаллик, яхшилик, халоллик, бурчга садоқатли сингари фазилатлар мажмун тушунилади.

Қадриятга йўналганлик қадриятли онг ва қадриятли муносабат натижасида юзага келиб, жисмоний тарбияни мазмуни томонини, унинг инновацион жараёнларга



муносабатини ўзида акс эттиради. Шу билан бирга, кадриятли йўналганлик субъект учун шахсий аҳамиятга эга ижтимоий кадриятлар билан боғлиқликда жараёнга унинг баҳоси сифатида қаралади.

Бу борада М. Я. Виленский ва В. А. Петковларнинг умуминсоний маданий кадриятлар тизимида соғлиқни сақлаш ва жисмоний тайёргарликнинг юқори даражаси бошқа барча кадриятларни ривожлантириш имкониятларини аниқлайди ва маданий кадриятларни ривожлантириш жараёни самарасиз бўлган асосдир деб ҳисоблашиши бежиз эмас

Педагогик кадриятлар эса – бу педагогик фаолиятнинг шундай ўзига хослигики, улар нафақат педагогик эҳтиёжларни қондиришга имкон беради, балки унинг ижтимоий ва касбий фаолигини мўлжалга олишга хизмат қилади. Педагогик кадриятлар ҳаётда ўз-ўзидан тасдиғини топмайди. Улар жамиятдаги ижтимоий, сиёсий, иқтисодий алоқаларга боғлиқ.

Педагогнинг онгида мустаҳкамланган педагогик кадриятлар унинг шахслараро мулоқотида, ижодий фаолиятида, шахсининг ривожланишида, касбий ҳамкорликда, маънавий кадриятлар алмашинувидаги касбий йўналишлари тизимини ҳосил қилади.

Мутахассислар томонидан педагогик кадриятларнинг икки жиҳати алоҳида тадқиқ этилган:

- педагогга унинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришига имкон берувчи ва ижтимоий аҳамиятли инсонпарвар мақсадларга эришишга қаратилган унинг ижтимоий ва касбий фаолигида йўл кўрсатувчи белги бўлиб хизмат қиладиган ўзига хос жиҳатлар;

- педагогик фаолиятни тартибга солувчи меъёрлар ва таълим ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги вужудга келадиган ижтимоий дунёқараш орасида восита ва боғловчи бўлин бўлиб келувчи билиш-фаолият тизими.

Педагогик аксиологияга оид адабиётларда педагогик кадриятларнинг хилма-хил таснифлари мавжуддир. Жумладан, В.А.Сластенин касбий йўналганлик тизимида асосланган ҳолда, педагогик кадриятларни қуйидагича тасниф этади:

- мақсадли кадриятлар: шахсий Мен ва касбий Мен йиғиндисидидаги бўлғуси педагог кадрнинг шахсий концепцияси. Педагог педагогик фаолият мақсадларини амалга ошириш йўлларини қидирар экан, ўзини ва ўзгаларни ривожлантириш йўлидаги ўз касбий стратегиясини танлаб олади. Бинобарин, мақсадли кадриятлар давлатнинг таълим сиёсатини ва педагогика илмининг ривожланиш даражасини акс эттиради. Бу кадриятлар субъектлашган ҳолда педагогик фаолиятнинг аҳамиятли омилларига айланади ва воситали кадриятларга таъсир кўрсатади. Улар назария, методология, педагогик технологияларни эгаллаш натижасида шаклланиб, педагогнинг касбий таълими асосини ташкил этади. Шахс учун зарурий кадриятлар қуйидаги мақсадли кадриятларни ўзида акс эттиради: Педагог кадрларнинг меҳнатининг ижодий ва серқирралилик тавсифи, унинг нуфузи ва аҳамиятлилиги, жамият олдидаги юксак маъсулият, ўзини намоён қилиш, болаларга меҳр ва бошқалар. Бундай кадриятлар таълим оловчи ва таълим берувчи шахсининг, талабалар жамоаси ва педагогик жамоанинг ривожланиши билан боғлиқ педагогик фаолиятда ўз ифодасини топади;

- воситали кадриятлар: педагогик мулоқот, техника ва технология, мониторинг, инноватика, интуиция тизими. Воситали кадриятлар мақсадли кадриятларга эришишда



восита бўлиб хизмат қилади (меҳнат натижаларининг жамиятда тан олинishi, шахснинг қизиқишлари ва қобилиятларини педагогик фаолият тавсифига мувофиқлиги, касбий ўсиш ва б.);

- муносабатли кадриятлар: педагогик жараён иштирокчиларининг муносабати, касбий-педагогик фаолиятга муносабат;

- сифат кадриятлари: шахснинг хулқ-атвор, фаолиятга доир хилма-хил сифатлари.

- билишга оид кадриятлар: ўқитувчилик касбининг билишга доир кадриятлари назарий даражада ўқувчиларнинг ўқитувчилик касбига доир кадриятларни эътироф этиши ва қабул қилиши билан боғлиқ.

Айнан педагогларда касбга нисабатан кадриятли онг, кадриятли муносабат, кадриятли установка ва кадриятли йўналганликни қарор топтириш уларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантиришнинг муҳим омилidir.

М. Я Виленскийнинг фикрига кўра, жисмоний тарбия ва спорт фаолиятида ҳаракатларнинг гўзаллиги танага эркин эғалик килиш, жисмоний кучларнинг, шахснинг ўзини ифодалаш натижасида пайдо бўлади. Бу ерда талабалар ўзларининг жисмоний кўринишини гўзаллик қонунларига кўра яратадилар, жисмоний фазилатларнинг ўзига хос хусусиятларига ва жисмоний фазилатларнинг ривожланишига боғлиқ бўлган ҳаракатлар услубининг ўзига хослигини шакллантирадилар. Жисмоний тарбия ва спорт фаолияти сифатли ўзига хослиги туфайли инсоннинг ахлоқий фазилатларини ривожлантиришнинг самарали воситасидир. Ушбу фаолиятда талабаларнинг хулқ-атворини ахлоқий тартибга солиш ва баҳолаш тизими (спорт ахлоқи) орқали амалга оширилади, уларни муайян ҳатти-ҳаракатларга йўналтиради, талаблар, ижтимоий кўрсатмалар шаклида ҳаракат қилади, ахлоқий мажбуриятлар тизимини белгилайди. Жамоавий муносабатларнинг ривожланиш даражаси қанчалик юқори бўлса, улар шахсиятга таъсир қилади, маънавий ўзаро бойликни янада самарали қўллаб-қувватлайди.

Л.И.Луриер таъкидлашича, таълим тизими, одатда, жисмоний тарбияни ривожлантиришнинг ноаниқ кадриятлари билан атроф-муҳит ҳисобланади. Шу сабабли, ақлий меҳнат билан боғлиқ касб-ҳунарларнинг ноёб вакиллари бутун ҳаёти давомида спорт билан шуғулланишади.

Жисмоний тарбиянинг энг муҳим хусусияти инсоннинг ўз-ўзини англаши, масъулиятли, прогностиқ, ваколатли илмий ғояларга мос уларнинг жисмоний хусусиятларига бўлган муносабати асосида самарали ўз-ўзини тарбиялаш қобилиятини тан олади. Шахснинг жисмоний тарбияси, жисмоний мукамаллигини аниқ акс эттирадиган, таълим, ўзини ифода этиш, ташкил этиш, жисмоний фаолиятда ижодкорликда намоён бўлади.

Г.М.Соловёва кўра., шахснинг жисмоний тарбиясининг самарали шаклланиши умумий тарбияси доирасида ваколатли, сифатли, тизимли ва динамик сифатида намоён бўлганда, соғлом турмуш шароитида юқори даражадаги шахсий фазилатларга эга бўлиш ва намоён килиш орқали амалга оширилади.

Билим ва амалий фаолият субъектив, мулоҳазали, танқидий ва ҳиссий жиҳатдан ранг-баранг идрокини акс эттиради, инсоннинг эҳтиёжлари, йўналишлари ва мақсадларининг ўзаро боғлиқлиги, келажакда ўқитувчини ижтимоий-маданий ва касбий ривожланишга даъват этади.



67	<b>Истак феномени ва унинг турли фан соҳаларида ўрганилиши</b> Гулибануму К.....	369
68	<b>Форс ва ўзбек тилларидаги дублетлар ва уларни унификациялаш масаласи</b> Мирзахмедова Ҳ.В.....	376
69	<b>Оламнинг ўзбек лисоний тасвирида “Маънавият” категорияси ва унинг</b> <b>Абдулла Қодирий асарларида қўлланиш хусусиятлари</b> Холмуродова М.А.....	386
70	<b>Фитратнинг адабий-назарий қарашлари</b> Хамракулова Ҳ.К.....	392
71	<b>Ўзбек тили синтаксиси тадқиқ усуллари ҳақида</b> Юлдошева Н.Э.....	397

**13.00.00**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**  
**ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ**  
**PEDAGOGICAL SCIENCES**

72	<b>The main requirements for the content of teaching english in transport university</b> Nazarov R.I.....	403
73	<b>Педагогик қадриятлар ва уларнинг таснифи</b> Назаров А.Т.....	407
74	<b>O'zbekiston ta'lim tizimining COVID-19 pandemiyasidan keyingi holati</b> Xodjaqulova F.R.....	410
75	<b>Some ways to develop writing skills of blind students</b> Asrorov I.F.....	416
76	<b>Bakalavr talabalarining raqamli madaniyati asosida raqobatbardoshlik sifatining</b> <b>afzalliklari.</b> Maxmudov A.Z.....	420
77	<b>Kimyo ta'limi jarayonida talabalarining tadqiqotchilik faoliyatini rivojlantirish texnologiyalari</b> Botirova S.R.....	426
78	<b>Юқори интенсивликдаги ҳафталик амалиёт да ёш гимнастикачиларнинг</b> <b>мусобақаолди тайёргарлик босқичи</b> Умаров Д.Х.....	433
79	<b>Geografiya ta'limida interfaol o'yinlardan foydalanishning psixologik-pedagogik</b> <b>asoslari</b> Akaboyev I.Z., Begmatova S.Z. ....	442
80	<b>Sport to'garaklari sinfdan tashqari ishlarning asosiy ko'rinishi sifatida namoyon</b> <b>bo'lishi</b> Jiyanov O.M.....	449
81	<b>Maktabgacha yoshdagi bolalarni sog'lom qilib tarbiylashda sayrlarda o'tkaziladigan</b> <b>harakatli o'yinlarning ahamiyati</b> Ismoilov T., Arzibayev Q., Ismoilov G', Hudoyberdiyeva S.....	455